O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Xalq demokratik partiyasi · O'zbekiston Xalq Demokratik Partiyasi

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 6-fevral • Shanba • 16 (30.136) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

## Ҳар биримиз масъулмиз

Мамлакат салоҳиятини юксалтиришда изланувчан, ташаббускор, иқтидорли ва етук мутахассисларнинг ўрни беқиёс. Интеллектуал салоҳият эгаси, юксак технологиялар сир-асрорларини чуқур эгаллаган ва унинг ютуқларини соҳалар ривожига, амалиётга самарали жорий эта оладиган ёшлар жамиятнинг асосий таянчидир.



Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги сиёсий семинарнинг давра суҳбат шаклида бўлиб ўтган навбатдаги машғулоти «Баркамол авлод йилида ХДП ташкилотларининг ўрни, роли ва вазифалари» мавзуига бағишланди. Партия Марказий Кенгаши ва Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, экспертлар, Тошкент вилоят ва шаҳар партия кенгашлари фаоллари Баркамол авлод йилида партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг, айниқса, ёшларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

— Бизнинг ўз олдимизга қўйган аниқ мақсадимиз бор, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Табиийки, эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш кўп жиҳатдан бугун униб-ўсиб келаётган авлоднинг зиммасига тушади.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури ана шу авлод вакилларини билимли, замонавий касб-ҳунарли, мустаҳкам эътиқодли, халқимиз, Ватанимизга садоқатли этиб тарбиялаш уларнинг униб-ўсиш учун шарт-шароитларни, имкониятларни янада кенгайтиришга қаратилгандир. Ўз сафларидаги ҳар учта аъзонинг бир нафари ёшлар бўлган Ўзбекистон ХДП ушбу йил вазифаларини адо этишда фаол иштирок этиши зарур, албатта. Барча партия ташкилотлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти тузилмалари, ХДП депутатлик фракцияси ва гуруҳлари шу борадаги ўз режа, дастурларини ишлаб чиқиб, амалга оширишга даъват этилганлар.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ғоялар, турли хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр бўлишга даъват этади. Шундан келиб чиқиб, партия ташкилотлари, фаолларининг ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» деб ном олган хатарлардан асраш бўйича олиб борилаётган ишларни янада жонлантириш, таъсирчанлигини ошириш талаб этилмоқда.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг туб мазмуни инсон манфаатларига қаратилган, — деди Марказий Кенгаш раиси-нинг ўринбосари Мухтасар Абдураҳмонова. — Баркамол авлод йилидан ҳам қандай эзгу мақсадлар кўзланганини барчамиз яхши биламиз. Аммо бу ерда гап партиямиз, фаолларимиз, депутатларимизнинг, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотларининг баркамол авлодни вояга етказиш ишларида иштироки ҳақида бормоқда. Хўш, биздан нима талаб этилаяпти? Биз аввало, масалага сиёсий партия сифатида ёндашишимиз лозим. Ёшларнинг сиёсий билими, фуқаролик позицияси қай даражада шаклланиб, кучайиб бориши кўп жиҳатдан бизга боғлиқ. Энг муҳими, ёшлар ҳаёти билан бевосита боғлиқ тадбир ва дастурларни амалга оширишда уларнинг фаоллигини кучайтириш зарур, деб ўйлайман...

2-бет >>



2

Диққат, янги рукн: Жамоатчилик назорати



3

Халқаро аэропорт
*янгича қиёфа касб этмоқда*



4

Ариқлардан зилол сув оқса



## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

### Журналистика соҳасида «ОЛТИН ҚАЛАМ» V миллий мукофоти

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2009 йилнинг 31 мартидан 2010 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2010 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

2-бет >>

***...сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборини қаратиши керак».***

## Обод шаҳар

**Бир пайтлар фақат ўтов ва пастқам уйлардан иборат қумли маконда ҳозир турли миллат ва элатга мансуб 30 мингга яқин аҳоли яшайдиган шаҳар пайдо бўлди.**

Учқудуқнинг марказий хиёбони, бош майдони, маъмурий идора ва ташкилотлари мукаммал инфратузилма асосида батамом қайта қурилди. 2009 йили Учқудуқда 28 та янги иншоот, турар-жой бинолари, болалар спорт комплекси, мактаб ва болалар боғчаси қад ростлади. Уй-жой-коммунал хўжалиги, мактаб, «Билтов» ва «Олтинтов» овулларидаги қишлоқ врачлик пункти ҳамда «Горняк» савдо мажмуи аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

— Шаҳримиз кундан-кунга чирой очмоқда, — дейди Учқудуқ тумани ҳокими Маҳмуджон Ёрматов. — Марказий деҳқон бозори, 30 дан ортиқ расталардан иборат савдо шохобчаси, 100 ўринли поликлиника, бир йўла 110 нафар беморга мўлжалланган касалхона фойдаланишга топширилди. Бунга қўшимча қилиб почта ва телеграф мажмуини, болалар боғчасини ҳам айтиб ўтиш мумкин.

Учқудуқда кейинги икки йилда 2 мингдан зиёд турдош иш ўринлари яратилди. Бир пайтлар атиги учта қудуғи бўлган, ундан чўпонлар обиҳаёт олиб, тирикчилик қилган замин эндиликда улкан саноат шаҳрига айланди.

**Музаффар ШАРОПОВ**

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

## Баркамол авлод орзуси



**Суратда:** коллежнинг бир гуруҳ ўқувчилари.

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат.**

*Жиззах тумани «Туёқли» қишлоғида 2006 йилда қурилиб, ишга туширилган Маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида 1060 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда. Уларга 80 нафар малакали ўқитувчи ва мураббий тўққиз йўналиш бўйича сабоқ бермоқда.*

*— Коллежимизда фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва ҳунарга эга бўлган баркамол инсонлар сифатида мустақил ҳаётга кириб боришларини таъминлаш учун барча имкониятлар мавжуд, — дейди коллеж директори Одил Холмирзаев. — Халқаро андозаларга тўла мос, замонавий спорт зали, ахборот-ресурс маркази, лаборатория, фан кабинетлари, ошхона, ётоқхона, маънавият маркази ўқувчиларимиз ихтиёрида. Мустақил фикрлайдиган, доимо ижодий изланишда бўладиган, катта марралар ва мақсадларни кўзлаб интиладиган ёшларни камол топтириш энг асосий мақсадимиздир.*

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

## Ургутдан черепица чиқади

**Самарқанд вилоятида жорий йил 650 хонадонли турар-жой қурилиб, фойдаланишга топширилиши мўлжалланган.**

Албатта, бунёдкорлик ишларининг кўлами кенгайгани сайин қурилиш материалларига бўлган талаб ҳам ошиб боради. Вилоятда маҳаллий шароитга мос, сифатли қурилиш ашёлари тайёрлайдиган корхона ва ташкилотлар сони кўпаймоқда. Шулардан бири Ургут туманида иш бошлади.

— Қурилишда черепицага талаб катта, — дейди «Зилол классик сервис» қўшма корхонаси раҳбари Раҳмат Муҳаммадиев. — Ички бозорни ўрганиб чиққач, хитойлик ҳамкорларимиз билан қўшма корхона ташкил этдик.

Янги корхонада бир кунда 1600-2000 квадрат метр черепица тайёрланмоқда.

**Абдували ХУДОЁРОВ**

*Аҳолининг реал даромадлари 2009 йил давомида 26,5 фоизга кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши эса ўртача ҳисобда 40 фоизни ташкил этди. Жорий йилда иш ҳақини камида 30 фоизга, реал даромадларни эса 23 фоизга ошириш мўлжалланмоқда.*

## Ғишт заводи ишга тушди

**Қоровулбозорда қурилишбоп материаллар ишлаб чиқарадиган корхоналар сони яна биттага ортди. Бу ерда «Қоровулбозорқурилишғишт» масъулияти чекланган жамиятга қарашли замонавий технология билан жиҳозланган ғишт заводи маҳсулот бера бошлади.**

Ҳар куни 25-30 минг дона қурилишбоп пишиқ ғишт ишлаб чиқараётган корхонада 50 нафар ишчи муқим иш ўрнига эга бўлди.

МЧЖ директори Неъмат Аҳмедовнинг маълум қилишича, корхона май ойида лойиҳа қувватига тўла эришади. Шунда йилига 25 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилади, ишчилар сони эса 170 нафарга етади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ғишт заводи ишга тушиши туманда қурилиш ишлари кўламини икки ҳиссага оширади. «Бўзачи» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Янгиобод аҳоли пунктида намунавий лойиҳа асосида замонавий уйлар ана шу корхона маҳсулоти асосида қад ростлайди.

**Даврон БАҲРОНОВ**

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

# Ҳар биримиз масъулмиз

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев масала юзасидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ишлари ҳақида тўхталди. Давра суҳбатининг иккинчи қисмида иштирокчилар гуруҳларда мавзунинг турли жиҳатларини алоҳида-алоҳида муҳокама қилдилар.

— Партия ташкилотлари, айниқса, БПТ етакчилари зиммасига алоҳида масъулият юкланади, — дейди Тошкент туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси Зулфия Зокирова. — Биз ўз гуруҳимизда айнан шу масалани муҳокама қилдик. Етакчилар аввало давлат дастурлари, қарорлари бажарилиши, электоратимиз манфаати билан боғлиқ масалаларга тегишли идоралар ва уларнинг раҳбарларининг муносабати юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этишлари талаб этилади...

Шунингдек, қолган гуруҳлар ҳам ўзлари ишлаб чиққан йўналишлар бўйича хулоса ва таклифларини тақдим қилдилар.

Машғулот Тошкентдаги талабалар шаҳарчасининг «Маънавият ва маърифат» марказида, қатор олий ўқув юртлари вакилларининг иштирокида ўтказилди. Унда қатнашган ёшлар анжуман ташкилотчилари ва маърузачиларга саволлар бердилар, мавзу юзасидан фикр билдирдилар.

Тадбир қатнашчилари ақсадни амалга ошириш йўлида ҳар биримизнинг ўз вазифамиз бор ҳамда унга сидқидилдан ёндашиш зарур, деб таъкидлашди.

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Инсон ҳуқуқлари — доимий ҳимояда

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳамкор ташкилотлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А.Саидов ва бошқалар ўтган йил мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида муҳим босқич бўлганлигини, юртимизда икки палатали парламентга ва маҳаллий ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар муваффақиятли ўтганлиги, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш жараёни изчил давом эттирилгани, инсон ҳуқуқларига оид халқаро андозалар нормаларининг миллий қонунчиликка имплементацияси амалга оширилганлиги, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини юксалтириш масалаларига катта эътибор қаратилганини таъкидладилар. Бу жараёнда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳам фаол иштирок этмоқда.

Омбудсман институтининг инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш ва бажарилишини мониторинг қилиш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш, ахборот-тарғибот иши, юртимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида аниқланган муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўлларини ўрганиш билан боғлиқ йўналишлар бўйича фаолияти ўз самараларини бермоқда.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида» ва «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунларнинг ижро этилиш амалиётини ўрганди.

Фуқаролар турли давлат органларига мурожаат қилиш бўйича конституциявий ҳуқуқларидан кенг фойдаланаётгани, жумладан, Омбудсманга мурожаатлар кўпайгани қайд этилди. Ўтган йили Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга фуқаролардан 10 мингдан зиёд мурожаат тушди. Омбудсманнинг минтақавий вакиллари томонидан фуқароларнинг қарийб бир минг уч юз шикоят ва аризаси қабул қилиб олинди. Фуқароларга уларнинг мурожаатларида қўйилган масалаларни ижобий ҳал этиш юзасидан амалдаги қонун нормалари кенг ва атрофлича тушунтирилиб, тегишли тавсиялар берилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари ва хорижий давлатларнинг омбудсманлари, халқаро ташкилотлар билан олиб бораётган ҳамкорлиги яхши самаралар бераётгани қайд этилди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Диққат, янги рукн: **Жамоатчилик назорати**

# «Вазифамиз — одамларни безовта қилиш»

***Фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиши зарур.***

***Токи, бу институт ва ташкилотлар қарорлар қабул қилиш, ўзлари мансуб бўлган ижтимоий қатлам ва тузилмаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тизимида муносиб ўрин эгаллай олсин.***

**Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан.**

***Улар воқеа жойига тезда етиб келишди. Жиддий қиёфали бу кишиларнинг қўлларида қуроллари — бирида ручка ва блокнот, яна бирида фотовидеокамера, яна бирида эса турли соҳаларга оид қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар солинган портфель бор эди. Воқеа тафсилотлари аниқланди. Эрталабдан буён жанжаллашаётган тарафлар уларнинг аралашувидан кейин бир зумда муросага келди. «Таъсир доираси кучли» бу жонкуяр одамларнинг кимлиги билан қизиқаётган бўлсангиз, марҳамат — улар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ходимлари. Ўзаро келишолмаётганлар эса — кўпқаватли уйнинг юқори ва пастки қаватидаги хонадонларда яшайдиган иккита қўшни ва уларга хизмат кўрсатадиган ширкат раҳбари...***



Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бошқаруви ва уларга аъзо мулкдорлар ўртасидаги турли келишмовчиликлар, низолар ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган ҳодиса, шундай эмасми? Аммо, ҳамма вақт ҳам бу низолар орасида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти ходимларини кўравермайсиз. Сабаби — баъзи истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун кучи ва билими етарли, баъзилар бундай жамият борлигини билмайди. Тўғрисини айтиш керак, республика истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси таркибидаги ҳамма ташкилотлар ҳам бир хил ишлаяпти, деб бўлмайди. Қаердадир, қарорни «бажариш» учунгина расмиятчилик қилинаётган бўлиши мумкин. Аммо, бу гапларнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмаси ва Шайхонтоҳур туман жамиятига сира алоқаси йўқ.

Жамият раиси Зафаржон Асқаржоновни туманда яхши танишади. Зеро, уларнинг вазифаси фақат шикоят билан келган истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга кўмаклашишдангина иборат эмас. Федерация фаолиятини тарғиб этиш, янги аъзоларни жалб этиш учун корхона, ташкилот ва муассасаларда тез-тез учрашув ва семинар, давра суҳбатлари ўтказиб туришади. Бу тадбирлар иштирокчилари улар фаолиятининг айрим қирралари билан танишар эканлар, шундай ташкилот борлигидан бехабарлиги учун ўзларини койиб қўйишади, саволлар ёғилади.

Бундай масалалар эса истеъмолчи сифатида ҳар биримизда истаганча топилади: кеча бозорда мева харид қилганингизда тарозидан уриб қолишибди, химчисткада тозаланган пальтонгизнинг ранги ўчиб кетибди, сиз аъзо бўлган ХУЖМШ неча йилдирки, хонадонингиздан ўтган умумий фойдаланишдаги қувурни таъмирламаяпти, илма-тешик қувурдан тез-тез сув отиляпти, ширкат эса ҳатто сизнинг аризангизни қабул қилишни истамаяпти... Ана шундай пайтда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги тўғрисида маънили жавобларни олган истеъмолчилар дастлабки учрашувдан кейиноқ жамиятга аъзо бўлишади.

— Истеъмолчилар норозилигига сабаб бўлаётган омиллар кўп, — дейди Зафаржон Асқаржонов ва уларни соддагина қилиб тушунтиради.

Биринчидан, аҳоли турмуш даражаси, эҳтиёжи ошиши билан, ўз-ўзидан, таклиф ҳам ўсди. Хоҳ озиқ-овқат, хоҳ уй жиҳозлари, маиший техника, автомобиль ёки турли хизматлар бўлсин, харидорнинг танлаш имконияти бор. Аммо истеъмол маданиятимиз ҳаминқадар, танловда адашиб қолишимиз мумкин. Ҳамма хизмат кўрсатувчи, ишлаб чиқарувчи ва тижоратчи, тадбиркорлар бир хил эмас. Уларнинг орасида фойда изидан қувиб, қаллоблиқ қиладиганлари ҳам бор.

— Бизга энг кўп шикоят ҳудудимиздаги Навоий кўчасида жойлашган маиший техника товарлари билан савдо қилувчи ярмаркадаги савдо шохобчалари харидорларидан тушади, — дейди Зафаржон Асқаржонов. — Истеъмолчилар носоз асбобларни алмаштириш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш борасидаги муаммоларни ҳал қилиб беришни сўрайдилар. Деярли барча ҳолларда истеъмолчи ҳақ бўлиб чиқяпти. Бу бизни қувонтиради — демак одамлар ўзларининг ҳақлигини тушунишади, ўринли талаблари бажарилмаса қаерга мурожаат қилишни ҳам билишади.

***Масаланинг иккинчи томони ҳам бор — истеъмолчи ҳуқуқини ҳурмат қилиш тушунчасини аввало хизмат кўрсатувчилар онгига сингдиришимиз керак. Албатта, бу жараёнда кимларнидир «безовта» қиламиз.***

Масалан, истеъмолчилар норозилигига энг кўп сабаб бўлаётган соҳаларда ўтказиладиган мониторинглар натижасини олайлик...

Ўтган йил шундай мониторинглардан бирида давлат томонидан молиялаштириладиган ва хусусий тиббий хизмат муассасаларида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш қонунчилигига риоя этиш масалалари ўрганилди. Мана, улар дуч келган манзаралар — оилавий поликлиникаларда бепул ва пуллик хизматни гоҳо алмаштириб юборишади, дори-дармон воситалари сақлаш қоидаларига риоя қилинмайди, ҳатто айрим дори воситаларининг яроқлилик муддати ўтиб кетган...

— Бир неча жойда хонадонларда қўлбола «стоматология кабинетлари» фаолият кўрсатаётганини аниқладик. Энг ачинарлиси, бу нуқталар бир неча йилдан буён ишлаб келаётган экан, мижозлар келиб даволаняпти, бирон киши «лицензиянгиз борми?» деб сўрамаган. Майли, мижозлар ўз соғлиғига эътиборсиз дейлик, аммо турли назоратчиларчи, қаёққа қараяпти? Бизнинг мурожаатимиздан кейингина соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензиялаш ва Соғлиқни сақлаш муассасаларида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини назорат қилиш бошқармаси ушбу стоматология «клиника»ларининг ноқонуний фаолият кўрсатаётганини «аниқлади».

Сирасини айтганда, Зафаржон Асқаржонов «биз туман миқёсида фаолият кўрсатамиз» деб қўл қовуштириб ўтирмайди. Туман доирасидаги раҳбарлар эътиборсизлик қилдими, юқори ташкилотларга, ҳатто, тегишли вазирликкача чиқади, уларга хат юборади. Истеъмолчи ҳуқуқи тўлиқ таъминланмагунча тиниб-тинчимайди.

Давлат томонидан молиялаштириладиган ўрта умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилигига риоя этиш масалаларини ўрганишганида ҳам шундай бўлди.

***Боғчада фарзандингизга қандай овқат беришяпти? У қандай идишдан овқатланяпти, қандай ўрин-тўшакда ухлаяпти? Бу нарсадан яхши бохабар эмассиз — чунки эрталаб болангизни боғчага ташлаб, шошилиб, ишга жўнайсиз, кечқурун ҳам худди шундай уйингизга ошиқасиз...***

Мактаб буфетидан еган «хот-дог» туфайли фарзандингиз қорни оғриётганидан шикоят қилгани ҳам эсингиздадир... Аслида меъёрий ҳужжатларда мактаб буфетида нималар сотиш мумкинлиги, уларни сақлаш қоидалари белгилаб қўйилган. Агар шу талабларга амал қилинса, ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Афсуски, айрим мактаб, боғча раҳбариятининг эътиборсизлиги, буфетни ўзиники қилиб олган хусусий тадбиркорларнинг фойда изидан қувиши айрим нохушликларга сабаб бўляпти.

— Мониторинг натижасида ана шундай ҳолатлар аниқланди. Туман давлат санитария эпидемиология назорати маркази томонидан айбдорларга чора кўрилди, — дейди Зафаржон Асқаржонов.

— Кишиларнинг ихтиёрий уюшмасидан иборат ташкилотимиз ҳам истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик назоратини олиб боради. Фаолиятимиздан «безовта» бўлишлари табиий — кимнингдир ноқонуний даромадига барҳам беришимиз мумкин, маълумотларимиз билан қайсидир ҳафсаласиз раҳбарни ташвишга қўямиз. Тўғри, биз ҳеч кимга бевосита чора кўрмаймиз. Аммо, бундай ваколати бор идораларга «сигнал» берамиз, кўмакчи бўламиз. Кўрдингизми, қанча одамни безовта қиларканмиз, — дейди кулиб Зафаржон Асқаржонов.

Ана шу безовталикларнинг асосий мақсади бизнинг — истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!



# Журналистика соҳасида «Олтин қалам» V миллий мукофоти

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот**. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, стауэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари микдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари микдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:**

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

— фаол фуқаролик позицияси учун;

— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— «Баркамол авлод йили»га бағишланган энг яхши материал учун;

— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;

— ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;

— энг яхши журналистик текширув учун;

— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

— энг яхши режиссёрлик иши учун;

— энг яхши матбуот хизмати;

— энг яхши фоторепортаж учун;

— энг яхши карикатура учун;

— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

***Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2010 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.***

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

***Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда*** қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим: ***Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.*** Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар. ***Телефонлар:*** 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.

**www.Journalist.uz**

# Янги ижодий марраларга ундовчи танлов

**Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида оммавий ахборот воситаларининг сифати ва таъсирчанлигини, журналистларнинг масъулиятини ошириш баробарида, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.**

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасида «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита йиғилиши бўлиб ўтди.

Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов бошқарган йиғилишда юртимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, эркинлигини таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу танлов ҳам айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Танловнинг номинациялари йил сайин ранг-баранглашиб бормоқда. Жумладан, жорий йилда «Баркамол авлод йили»га бағишланган энг яхши материал учун» янги номинацияси ҳам киритилгани бунинг далилидир. V Миллий мукофот танлови ғолиблари ва совриндорлари учун жами 113 миллион 40 минг сўм миқдорида пул мукофоти таъсис этилди. Бу ўтган йилги мукофот фонди миқдоридан қарийб 29 миллион сўм кўпдир.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**




Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Milk Heaven Biznes» масъулияти чекланган жамияти маҳсулотларига ички бозорда талаб ортмоқда.

Корхона бугунги кунда қатиқ, йоғурт, творог, сметана каби ўн турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Бу ерда 20 бошдан ортиқ сигир парваришланмоқда. Олинаётган сут корхонанинг ўзида қайта ишланиб, тайёр маҳсулотлар асосан Тошкент шаҳар дўконлари орқали харидорларга етказиб берилмоқда.

**Асқар Ёқубов (ЎзА) олган сурат.**




# Халқаро аэропорт

### янгича қиёфа касб этмоқда

***Термиз халқаро аэропортида дастлаб, «Тошкент-Термиз-Кобул» йўналаши бўйича қатнов йўлга қўйилган эди. Бугунги кунга келиб, унда кўплаб қулайликлар яратилди. Асфальт-бетон қопламали учиш-қўниш майдони, янги аэровокзал бунёд этилди. Шу билан бирга, бу ерда юк ташувчи самолётлар ҳам қабул қилинаётир.***

— Бугун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» жаҳонга юз тутди, — дейди Термиз халқаро аэропорти ходими Юсуф Давханов. — Бугун дунёга машҳур «Ан-124», «А-310», «Боинг-757» ва бошқа русумдаги ҳаво кемалари қатнови мунтазам давом этмоқда. Ўтган 2009 йил 2341 та рейс бўйича 90 минг нафарга яқин йўловчига хизмат кўрсатилди. Жорий йилда эса фаолиятимиз янада самарали бўлиши кутилаётир. Халқимизга қулайлик яратиш мақсадида кўплаб таъмирлаш-қурилиш ишлари бажарилади. Йўлакларни қордан тозалайдиган, самолётларни ёқилғи билан таъминлайдиган замонавий техникалар келтирилади.

**Абдумалик БОТИРОВ**

Хорижда



# Қурбон бўлганлар сони

### *200 мингдан ортиб кетди*



***Жорий йилнинг 12 январь куни Гаитида юз берган табиий офат натижасида қурбон бўлганлар сони 200 мингдан ортиб кетди. 300 мингдан ортиқ киши турли даражада тан жароҳати олди. Зилзила оқибатида 250 мингта турар-жой, 30 мингга яқин корхона ва ташкилот идораси вайрон бўлди. 2 миллионга яқин киши бошпанасиз қолди. 4 мингдан ортиқ одам вайроналар остида қолиб, жароҳатланган. Вайроналар остида тирик қолган 135 киши қутқарувчилар томонидан қутқариб қолинди. Бу ҳақда Гаити бош вазири Жан-Марк Бельрив журналистларга маълумот берди.***

«AFP» АА хабар қилишича, табиий офат юз берганига уч ҳафтадан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамай ҳукумат бошпанасиз қолган одамларни вақтинча яшаш жойи билан таъминлашнинг уддасидан чиқолмаяпти.

Тиббиёт вакиллари мамлакатда кенг миқёсда эпидемия тарқалиши мумкинлиги ҳақида бархчани огоҳлантирмоқда. Шу боис эмлаш чоралари кўрилмоқда. Биринчи галда ёш болалар эмланмоқда.

Ҳозир ўлкада чидаб бўлмас даражада антисанитария ҳолати вужудга келган.

Эслатиб ўтамиз: 12 январь куни Гаити вақти билан 16 дан 53 дақиқа ўтганда 7 балли зилзила рўй берди. У 40 сония давом этди. Шундан сўнг яна 2 марта — 5,9 ва 5,5 магнитудага тенг ер ости силкиниши юз берди. Мамлакат пойтахтини бутунлай вайрон қилишга шу 40 сония етарли бўлди. Зилзила эпицентри пойтахт шаҳар Порт-о-Пренсдан 15 километр жануби-ғарбда, 10 километр денгиз тубида қайд этилди.

— ЎзХДП: электорат манфаати —

# Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти



**Мамлакатимизда пенсия ёшидаги фуқароларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бу борадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Фикримизнинг исботи сифатида «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунини мисол қилиб келтириш мумкин.**

Мазкур қонун бозор иқтисодиёти шароитида пенсия ёшидаги фуқароларимизнинг моддий аҳволини яхшилаш, иш берувчиларнинг ўз ходимлари олдидаги масъулиятини кучайтириш, амалдаги пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбаларини яратиш, қолаверса, кексалик чоғида фуқароларнинг ўз фаровонлиги учун шахсий жамғармаларини шакллантиришга замин ҳозирлаш каби масалаларни ҳам қамраб олган.

Мазкур масъулиятли вазифаларнинг айнан Халқ банкига юклатилганлиги, аввало, бу банкка бўлган ишончдир.

Қонунда иш берувчиларнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши мажбурийлиги кўрсатиб ўтилган. Демак, бу пенсия ёшида бўлиб, меҳнат фаолиятини давом эттираётган фуқароларга ҳам тааллуқли.

Хўжалик субъектларида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган фуқаролар мазкур тизим иштирокчиларига айланадилар ва унда мажбурий асосда қатнашадилар. Бунда уларнинг ойлик иш ҳақларининг бир фоизи миқдоридаги маблағ, ҳисобланган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи суммасидан чегириб ташланган ҳолда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказилади.

Барча юридик шахслар, яъни иш берувчилар ўзлари жойлашган ҳудудлар бўйича Халқ банкининг туман ва шаҳар филиалларига ўз ходимлари учун очилган ҳисоб рақамларга мисол учун февраль ойининг дастлабки кунларидан эътиборан (январь ойидаги иш ҳақи учун) жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бадалларини ўтказишлари лозим. Юридик шахс бўлмаган ҳолда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, деҳқон хўжаликларининг аъзолари, уй бекалари, вақтинча ишламаётган ҳамда бошқа фуқаролар эса ихтиёрийлик асосида иштирок этишлари мумкин. Улар ўзлари яшаб турган ҳудуддаги Халқ банки филиалига мурожаат этиб, шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварағи очади ҳамда ўзларига қулай вақтда ушбу ҳисобварақҳа чекланмаган миқдордаги бадалларни қўйишлари мумкин.

Фуқаро вафот этган тақдирда, унинг ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади. Агар, фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш учун чиқиб кетаётган бўлса, унга ҳам маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Эътиборли жиҳати, қонунда жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағларнинг сақланиши ва тўланиши давлат томонидан кафолатланган.

2005 йилдан буён беш йил мобайнида 5,9 миллион ишловчи фуқарога ҳисобварақ очилиб (шундан 160 минг ҳисобварақ ихтиёрий асосда) ушбу ҳисоб варақларга биргина 2009 йилда 86,6 миллиард сўмлик бадаллар келиб тушди. Эътиборли жиҳати шундаки, фуқароларнинг шахсий ҳисобварақларида йиғилган маблағларга ҳар йили ўртача ўн фоиз миқдорида фоизлик даромадлар қўшиб келинди. Бунда ҳисобланган фоиз даражаси ўртага инфляция суръатидан анчагина юқори бўлиши таъминланди.

Иш берувчи ўтказилган бадал суммасини ўзида ишловчи фуқарога ҳисобланган даромад солиғидан ушлаб қолади. Шундай қилиб, ўтказилган бадаллар иш берувчининг ҳам, ишловчи фуқаронинг ҳам моддий манфаатларига зиён етказмайди.

Кези келганда, бир мулоҳазани айтсак. Иш берувчилар ҳар бир ҳисобот ойининг кейинги ойи 15 санасидан кечиктирмасдан Халқ банки филиалига белгиланган тартибда ўтказилган бадал маблағлари миқдорида ходимларнинг иш ҳақи даври ва миқдори ҳамда жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган реестрларни тақдим этишлари қонун ҳужжатларида белгилаб ўтилган. Акс ҳолда маблағлар фуқароларнинг шахсий ҳисобварақларига ўз вақтида киритиш имкониятини чегаралаб қўяди. Бундан ташқари, йиллик ҳисобланган фоизлик даромадларни фуқаронинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварағига киритиш ёки қўшиб қўйиш жараёнини кечиктириб юборишига сабаб бўлади. Шундай экан, барча иш берувчи юридик шахслар ушбу масалага жиддий ёндашишлари билан «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун талабларининг бажарилишини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшишлари лозим. Тартибга кўра, реестрни вақтида бермаганлиги учун ташкилот бошлиғи ва бош ҳисобчидан энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдори жарима ундирилишини таъкидлаб ўтиш керак.

Қисқаси, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бозор иқтисодиёти шаклланган бир пайтда аҳолини қарилик чоғида ижтимоий ҳимоялашнинг бир кўринишидир.

**Нигора ҲИКМАТОВА,**
**Тошкент Банк ҳисоб-кредит коллежи ўқитувчиси.**

Гиёҳвандлик — аср вабоси

# Соғлом турмуш — иллатлар давоси



***Бугунги кунда дунёда орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)га чалинганлар сони 65 миллион кишига етган. Шу дарддан қисқа вақт ичида 25 миллиондан ортиқ киши вафот этган. Мутахассислар аниқлашича, гиёҳванд моддаларни қабул қилган кишида ОИТСни юқтириш хавфи ортар экан.***

— Ўзига тўқ хонадонда вояга етдим, — дейди Шарғун шаҳридаги ихтисослаштирилган мажбурий даволаш наркология шифохонаси беморларидан бири, **термизлик Ш. исмли қиз**. — Ёшим 20 да. Ота-онам ажрашиб кетгандан кейин онамнинг қарамоғида қолдим. Ўгай отам гиёҳванд модда истеъмол қилар экан. У менга ҳам мажбурлаб наша чектирди. Биринчи марта истеъмол қилаётганим учун кўнглим айниб, қайд қилдим. Бўлган воқеани онамга айтай десам, отамдан қўрқаман. Уч ойда нашага буткул ўргандим. Иккинчи марта даволанишим. Илгари анча тузалгандим. Ошхоналардан бирида ишлай бошладим ҳам. Эски танишларни учратдим-у, яна шу кўйга тушдим. Ҳозир соғлигим яхши. Яқинда жавоб беришар экан. Шу балони умуман истеъмол қилмасликка қарор қилдим. Ёшларга ҳам шуни маслаҳат берардим. Энди ошхонадаги ишимни давом эттирмоқчиман. Оила қуриш ниятим бор...

— Тўқликка шўхлик оқибати шундай якунланди, — дейди **ўзини Б. деб таништирган йигит**. — Отам кичик корхонада директор, онам шифокор бўлиб ишларди. Уларнинг топиш-тутишлари яхши эди. Оиламизда камчилик бўлмаган. Айтганим зудлик билан муҳайё этиларди. Чўнтагимдан пул узилмаган. Бирор касбнинг бошини тутмадим. Шаҳардаги баъзи «наркоман» болалар билан кунни ўтказадиган бўлиб қолдим. Охири томиримга укол қилишгача бордим. Ота-онамнинг койишлари, даккилар кор қилмади.

— Сурункали гиёҳванд модда истеъмол қилиш одамни хароб қилади, — дейди **шифокор Эътибор Хўжаева.** — Энг хавфлиси, ОИТСга йўлиқади. ОИТСга эса даво топилгани йўқ. Шунинг учун аввало соғлом турмуш тарзини танлаш керак. Эътибор қилинса, тўқликка шўхликдан, бекорчиликдан фақат кўнгилсиз воқеалар чиқади. Одам бир ишга овунса, керакли юмуш билан шуғулланса, спортга ошно бўлса ёмон иллатлардан фориғ бўлади.

Тириклик бебаҳо неъмат ҳисобланади. Бу бойликдан қандай фойдаланиш ўзимизга боғлиқ. Соғлом фикрли одам соғлом турмуш тарзини танлайди. Соғлом турмуш — соғлом келажак, бахтли ҳаёт деганидир.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Армиянинг 10 фоизи

### *аёллардан ташкил топади*



***Афғонистон Мудофаа вазирлиги афғон миллий армияси таркибини аёллар ҳисобига кенгайтиришни мўлжаллаб турибди. Вазирлик вакили, парламент ва жамоатчилик алоқалари бошқармаси бошлиғи, генерал-полковник Зоҳир Азими «Новости» АА мухбирига берган интервьюсида қайд этишича, ҳарбий аёллар сони шахсий таркибнинг 10 фоизини ташкил этади.***

18 ёшдан 35 ёшгача бўлган, 12 синф мактаб маълумотига эга, 6 ойлик махсус курсни битирган аёллар армияга олинади ва уларга офицерлик унвони берилади. 9-11 синф маълумотига эга бўлганлар ва уч ойлик махсус курсни битирганлар эса сержантлар таркибига олинади. 9 синфдан кам маълумотли, лекин 1,5 ойлик махсус курсда ўқиган қизлар ҳам армия сафига олиниши мумкин, улар оддий аскарлар таркибида хизмат қилади.

Вазирликнинг таъкидига қараганда, яна 2 йилдан кейин миллий армиянинг шахсий таркиби 171 минг кишига етади.

# Аҳоли сони

### *деярли 225 мингга камайди*



***Россиянинг давлат статистика федерал хизмати («Росстат») маълум қилишича, 2009 йил январдан ноябрь ойигача мамлакат аҳолиси 224 минг 310 кишига камайган. 2008 йилда камайиш бундан-да кўп сонни ташкил этган, яъни бу кўрсаткичдан 113 мингта ортиқ эди. Демак, 2009 йилда аҳоли сонининг камайиш тезлиги бироз сусайган. Бунинг сабаби туғилишнинг кўпайганлиги ва ўлимнинг камайганлигидир.***

Бироқ мамлакатда ўлим туғилишга нисбатан барибир юқорилигича қолмоқда. Яъни 1,61 миллион нафар чақалоқ туғилган бўлса (2008 йилдаги кўрсаткичдан 43,3 мингта кўп), 1,834 миллион киши ҳаётдан кўз юмган (2008 йилдаги кўрсаткичдан 70 мингта кам).

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш вазири Татьяна Голикова мамлакатда қайд этилаётган ўлимнинг асосий сабабларини қуйидагича изоҳлади: энг кўп ўлимга кашандалик боис келиб чиқадиган касалликлар сабаб бўлмоқда — 17,1 фоиз. Ўлимнинг 12,9 фоизи нотўғри овқатланиш, 12,5 фоизи ортиқча вазн, 11,9 фоизи алкоголли ичимлик истеъмоли сабабли юзага келаркан.

Жаҳонда эса бу омиллар бироз бошқача. Яъни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида қайд этилишича, энг кўп ўлим қон босими ортишидан юзага келмоқда — 13 фоиз. Тамаки чекишдан 9 фоиз, қонда глюкоза даражасининг ортиши ва кам ҳаракатлиликдан 6 фоиз, семизлик ва ортиқча вазндан 5 фоиз ўлим қайд этилмоқда.

# Чўмилиш ҳавзаларида

### *тамаки чекиш мумкин эмас*



***Сочи шаҳри мэри «Тамакисиз Сочи» хартиясини имзолади, дея хабар беради «Новости» АА.***

Мэриянинг матбуот хизмати маълумотномасида қайд этилишича, Сочи курорт шаҳар бўлгани учун бу ерда соғлом турмуш тарзига риоя этиш ҳар бир фуқаронинг бурчига айланмоғи лозим. Шунинг учун ҳам эндиликда жамоат жойларида — кафе-барлар, ресторанлар, клублар, жамоат транспорти ва ҳатто чўмилиш ҳавзаларида сигарет чекиш тақиқланади. Кимки бу тақиқловни бузса, унга нисбатан маъмурий чора кўрилади.

2010 йил — Баркамол авлод йили

# Орзулар қаноти



Республика эстрада-цирк коллежи нафақат мамлакатимизда, балки Ўрта Осиёда ҳам ягона ҳисобланади. Мазкур таълим даргоҳида ёшларимиз бешта — эстрада чолғулари, эстрада хонандалиги, эстрада актёрлик санъати, замонавий рақс, цирк санъати йўналишида таҳсил олишади. Коллежда 445 нафар талабага 200 нафар педагог устозлик қилмоқда.

2007-2008 ўқув йилида билим даргоҳи реконструкция қилиниб, янги муҳташам спорт зали қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Коллежнинг иқтидорли талабалари Республика кўрик-танловларида ва халқаро миқёсидаги фестивалларда ҳам юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда.

Жумладан, Екатерина Игликова 2009 йилда ўтказилган ёш ижрочиларнинг Республика танловида фахрли 1-ўринни эгаллади. Ўзбек давлат цирки билан коллежнинг ҳамкорлиги йўлга қўйилганлиги боис, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Улуғбек Зарипов бошчилигида «Ўзбек амазонкаси» гуруҳида истеъдодли талабалар 2008 йили Хитойда ўтказилган цирк санъати халқаро фестивалида иштирок этишди. Улар ўта мураккаб дастурларни ижро этиб, 1-ўринни қўлга киритишди. Гуруҳнинг номи эса Гиннеснинг рекордлар китобидан ўрин олди. Бугунги кунда коллежга Зариповлар сулоласининг давомчиларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Дўстлик» ордени соҳиби Карима Зарипова раҳбарлик қилиб келмоқда.

— Эстрада ёки цирк санъатида ўз йўлига ва ўз ўрнига эга бўлишни истаган истеъдод эгалари билан якка тартибда мунтазам назарий-амалий машғулотлар олиб борамиз, — дейди у биз билан суҳбатда. — Таҳсилни тамомлаган жуда кўп талабаларимиз эстрада санъатига қадам қўйиб, юксак натижаларга эришиб келаяпти. Айниқса, улар орасида жаҳон аренаseparларида ўзбек цирк санъатини намойиш этиб келаётган ёшларимизнинг борлиги бизга фахр ва ифтихор бағишлайди.

**Абдусалим МАҲМУДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Тиббиёт муассасаларида

# Хизмат сифати ортяпти

Кейинги йилларда Самарқанд вилоятининг чекка Қўшрабод тумани аҳолисига ҳам тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди ва самарадорлиги ортди



— Соғ танда, соғлом ақл, — дейди Қўшрабод туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, олий тоифали шифокор Ўктам Нуруллаев. — Тиббиёт соҳасида олиб борилган ислоҳотлар натижасида, бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тиббиёт тизими фаолияти бутунлай қайтадан ташкил қилинди.

Бугун 119 нафар врач, 750 нафардан кўпроқ ўрта тиббиёт ходимлари туманимиз аҳолиси саломатлиги йўлида меҳнат қилмоқда. Шифокорларимиз малакаси ошганлиги ҳамда замонавий ташҳис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналарининг келтирилгани тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширди. Бунда айниқса, 21 та қишлоқ врачлик пунктларидаги ишлар эътиборга молик.

— Бугун шуни алоҳида таъкидлашим керакки, — дейди Оқтепа қишлоқ врачлик пункти мудири Манзура Каримова, — олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари туфайли фуқароларимизнинг тиббий маданияти ошди. Одамлар ўз саломатлиги ҳақида қайғура бошлади. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишлар бугун ўз самарасини бераётир. Қишлоқ врачлик пунктида 22 нафар тиббиёт ходими қарийб беш минг беш юз нафар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, туғиш ёшидаги аёллар ўртасида олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида ўтган йили туғилган чақалоқлар ўртасида туғма ногиронлик қайд этилмади.

Дарҳақиқат, Қўшрободда ҳам тиббиёт соҳасида туб ўзгаришлар юз бермоқда, аҳоли саломатлиги мустаҳкамланмоқда. Яна бир гап. Вояга етмаганлар ўртасида ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олишда тиббиёт ходимлари томонидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини бермоқда.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

***Суратда:*** *Оқтепа қишлоқ врачлик пункти мудири Манзура Каримова.*

# Ариқлардан зилол сув оқса

Баҳор юмушлари

Қишлоғимизда Аҳмад ғавғо деган отахон яшайди. У бош мироб. Баҳор яқинлашди дегунча пайтавасига қурт тушиб қолади. Қишлоқдаги каналдан тортиб, катта-кичик ариқларгача унга беш қўлдек маълум. Қайси ариқ қаердан бошланади, қаерда тугайди, қанча ерни суғоради, бунинг ҳисоб-китобини қилишда адашмайди. Шунга қараб ариқларга мироб тайёрлайди.

Канал ва бош ариққа энг тажрибали, кўпни кўрган, муомаласи ширин кишилар масъул этиб қўйилади. Чунки улар сув танқислик қилганда муомала билан иш юритади. Баъзан «Товба, мirobликка ҳам одам танлашади-я», дегувчилар ҳам бўлади.

Бир кун қизиқ бўлган. Мироблар йиғилишида бир оғзи бўшроқ шунга шунчаликми, деб пичинг қилган. Шунда бош мироб ўрнидан туриб:

— Сиз оғзингизга келган гапни ўйламасдан, тишингизни орқасида пишитмасдан, гапираверманг. Биласизми, бир пайтлар ҳар бир маҳаллада битта ёки иккита ҳовуз бўларди. Шуларга қараб туриш учун ҳовузбеги тайинланарди. Айрим ҳовузларга бир эмас иккита бек сайланарди.

Тили ботир одамнинг иши ҳам шунга яраша бўлади. Ердан қор кетиши, илиқ кунлар бошланиши билан қишлоқ оралаб: «Палон куни ҳашар, ҳамма чиқиши шарт», деб гап тарқалади. Ўша куни ёшу қари канал бошига чиқишади. Катта қозонлар осилади. Қўш-қўш самоварлар қайнаб туради. Ҳар ким ўзига яраша иш бажаради.

> Бирор киши мусулмонлар фойдалансин деган ниятда бир ўзи ёки болалари билан бирга ариқ қазиса ёки пул бериб, бошқа кишиларга қазитса, ўша ариқ туфайли ҳосил бўладиган савоб унга ўлимидан кейин ҳам етиб туради.
>
> Имом Бухорий.

Кимдир ариқ қазиса, кимдир хас-хашакни йиғиштиради. Ҳатто техника воситалари ҳам ишга тушади. Экскаватор канал узра юриб ортиқча нарсаларни суриб тўплаб турса, одамлар уларни машинага ортади. Бош мироб ҳали у ерда, ҳали бу ерда пайдо бўлиб, бақириб-чақириб иш юритади.

— Ҳой ука, кетмонни тўғри ур, қирғоқни нишаброқ ол, шунда сув равон оқади. Бу ҳолда эртага сув кўпайганда қирғоқ нураб кетади, — деб кетмонни олиб ёшлангга иш кўрсатади. — Биласанми, ариқ чопилиб, кийим ювилиб тозаланади. Равон ариқдан оққан сув кўзни қувнатади.



Қишлоғимизда яна бир яхши анъана бор. Маҳаллалардан оқадиган ариқлар ҳам назоратда. Бирон киши ўз хоҳишича ариққа қўл тегизмайди. Ҳатто сув боғлашда ҳам бирон асбоб билан ариқ тўсилади.

Тартиб бузилса борми, кўринг тўпалонни. Аҳмад ота ғавғо бошлайди. Оч қорним, тинч қулоғим дегандай ҳеч ким унинг режасини бузолмайди. Бузиб ҳам кўрсин-чи...

**Юнус ЗИЁДОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

# Тут — минг дардга даво

бир туп тут ўстирган хонадон эгаси унинг меваси ва соясидан юз йил баҳраманд бўлади

Мулоҳаза



Қишлоқ йўлидан қўлтиқтаёққа таянган киши аста-секин одимларкан, теварак-атрофдаги муҳташам ҳовлиларга диққат билан разм солади, сўнг қария негадир бошини сарак-сарак силкитиб қўяди. У кишини кўпдан буён таниганим боис, чолнинг қалбидан қандай ўйлар кечаётганини пайқадим: шунча жозибадор иморатни қурган одам ҳовлисига бир туп тут экса бўлмасмиди?

Ғиждувонлик машҳур пиллачи, бутун умрини соҳа ривожига бағишлаган Исмоил Ортиқов тут дарахтини етти хазинанинг бири деб ҳисоблайди. Гарчи, тақдир тақозоси билан 35 йилдан буён қўлтиқтаёққа суяниб қолган бўлса-да, туманда унинг бевосита раҳбарлигида тутзорлар кенгайтирилиб, ипак қурти озуқа базаси етарли яратилган. Шунингдек, отахоннинг маслаҳати билан кўпчилик хонадонларда тут ўстириш, унинг ҳосили ва соясидан баҳраманд бўлиш анъанага айланди.

Ғишти қишлоғидаги қаровсизликдан хароб бўлиб қолган пахта қабул қилиш маскани отахон оила аъзоларининг машаққатли меҳнати билан жаннатмакон тутзор гўшага айлантирилган. Бу ерда Исмоил ота қўли билан ўнга яқин балхи тут, юздан зиёд ўрик, 30 туп анор, 200 туп узум, анжир навлари, арча-ю атиргул кўчатлари кўпайтирилганди. Сув олиб келиш машаққат бўлгани боис экину, дарахтларга челак билан сув бериларди. Ҳозирда бу ерда бешта хўжаликда етиштирилган пилла қабул қилинади, теварак-атроф ораста, жаннатнинг ўзгинаси.

— Болалигимиз уруш даврига тўғри келгани боис кўп қийинчиликларни кўрганмиз, — дейди отахон. — Ўша қаҳатчилик ва қимматчилик йилларида ҳовлимиздаги бир туп тут жонимизга оро кирган. Онам бир этак болани тут ва ундан қилинган майиз ҳамда шиннини билан боққан. Сояси бизни иссиқдан сақлаган. Ўшанда ҳар оилада, ҳеч бўлмаганда, битта тут дарахти кўз қорачиғидек асралган. Узоқ йили қиш қаттиқ келиб, кўпгина тут дарахтлари кесилиб, ўтинликка ишлатилганини кўриб дилим оғриди. Бир туп дарахт ўстириш осонми?

Отахоннинг куюниб айтган гапларида жон бор. Тутзорларни кўпайтирсак, пиллачилик ривожланади, халқимиз саломатлиги мустаҳкамланади.

— Қадимдан тут дарахти Бухоро шаҳри ва қишлоқларида кўп экилган, — дейди Бухоро давлат университети доценти Каромат Умаров. — Чунки, воҳамиз ҳудудида шўрланиш кучли. Тут дарахти ернинг 2-3 метригача чуқурликда бўлган шўрни парчалаб, унинг юқорига кўтарилишига йўл қўймайди. Шу боис тарихий обидалар атрофида ҳам тут дарахти ўстирилган.

— Яна бир жиҳат. Тут дарахтидан қоғоз олинган, ёғочидан чолғу асбоблари, сават, бешик ясалади. Бундан ташқари, табобатда ҳам ундан кенг фойдаланиб келиняпти. Унинг хосиятлари кўп.

— Балхи ва оқ тутлар таркиби қанд, органик кислоталар, азотли моддалар, темир, калий, магний, «С» дармондорисига бой, — дейди биз билан суҳбатда Бухоро давлат Тиббиёт институти доценти Раҳмон Давронов. — Унинг пўстлоғи ва баргида бўёвчи, ошловчи каби қатор моддалар борлиги фанда исботланган. Шарқ табобати амалиётида тут меваси бир қатор хасталикларни даволашда қўлланилади. Тут меваси инсонга кўпроқ дармон бағишлайди, иситмани туширади. Оқ тут меваси ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайди. Шундай экан, унинг ҳаётимизда тутган ўрнини ёшларга тушунтириш, ҳар бир ҳовли ва хонадон этагида бир туп тут бўлишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Олимларнинг таъкидлашича, тут кўп йиллик дарахт ҳисобланади. Биз бугун экканимиз тутдан келгуси авлодларимиз ҳам баҳраманд бўлади.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Китоб жавонингизга

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт Б.Мустафоевнинг «Истиқлолнинг залворли қадамлари: ҳуқуқий демократик давлат сари» номли китобини босмадан чиқарди. Унда муаллифнинг суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва сайлов тизимига оид мақолалари, турли оммавий ахборот воситаларига берган интервьюлари ўрин олган.

# Сайлов ва ҳуқуқ тизими

Китобда сайлов тизими тўғрисидаги маълумотларга кўпроқ эътибор қаратилган. Муаллиф мураккаб жараённинг барча жиҳатларини назарда тутган ҳолда фикр юритади, «умумий сайлов ҳуқуқи», «тенг сайлов ҳуқуқи тамойили», «тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи», «яширин овоз бериш тамойили», «сайловчининг овоз бериш кафолатлари» каби муҳим, ҳуқуқий масалалар кенг, тушунарли баён қилинган.

Шунингдек, унда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонининг моҳияти ва унинг аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

Китобдаги «Истиқлол ва Конституция», «Эркинлик ва фаровонлик кафолати», «Судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш — давр талаби» каби қисмларга ажратилган материаллар китобхонга қимматли маълумотлар беради.

Китоб кенг жамоатчилик ва ҳуқуқшунослар учун мўлжалланган.

**Азиз ЮНУСОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.**

## OB-HAVO yangiliklari

7 fevral

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Navoiy, | 1° | Chirchiq | 6° | Qo'shrabot | 5° |
| Andijon | 3° | Qo'qon | 3° | Termiz | 12° |
| Nukus | -12° | Denov | 10° | Qung'irot | 12° |
| Angren | 2° | Samarqand | 5° | Toshkent | 6° |
| Nurota | 1° | Farg'ona | 4° | Marg'ilon | 4° |
| Boysun | 10° | Shaxrisabz | 5° | Urganch | -8° |
| Olmaliq | 6° | Jizzax | 2° | Namangan | 3° |
| Buxoro | 6° | Kattaqo'rg'on | 1° | Zomin | 2° |
| Qarshi | 11° | Tamdibuloq | -8° | | |




«Шифокор-нон» корхонаси раиси Мираброр Бекбоевга опаси **Дилоромхон Акбарова**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Бир гуруҳ дўстлари.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г— 149
16201 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.35
Topshirilgan vaqti — 23.45
2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda